



Машхур шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Юсуф Хос Хожибнинг хаёти ва фаолияти хақида жуда оз маълумот сакланиб колган. Бизгача етиб келган ягона ва йирик асари «Кутадгу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») муаллифнинг эллик ёшларида — 1069 — 70 йилларда яра-тилганидан келиб чикиб, у 1020 — 21 йилларда тугилган деб тахмин килинади.

Юсуф Хос Хожиб тугилган Болосогун ўша давр-нинг маданий марказларидан бўлиб, «Шарк ва Гарб ўртасидаги савдо йўли устида жойлашгани учун савдо-сотик, хунармандчилик, илм-фан анча тараккий этган, кўплаб мактаб ва мадрасаларга эга бўлган шаҳар эди»(Хомидий Х., Кўхна Шарк даргалари. 95-бет.). У икки марта корахонийлар салтанатининг пойтахти ҳам бўлган. Юсуф замонасининг барча асосий билимларини эгаллагани, араб ва форс тилларини мукамал билгани ҳам шоир тўғрисида маълумот берувчи асосий манба бўлмиш шу китоб тўғрисида ойдинлашади. «Кутадгу билиг»нинг ёзилган йили тўғрисида муаллиф шундай дейди:

Йил алтмиш эки эрди тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.
Тугал ўн сакиз айда айдим бу сўз,
Удурдим, адирдим сўз эвдим Тера.

Мазмуни:

Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди,
Мен жонни койитиб, ушбу сўзни сўзладим.
Бу сўз(лар)ни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим,
Танладим, фаркладим, териб сўз йигиб (тўплладим).

Маълум бўладики, у ўз асарини 18 ой ичида — Болосогун (Куз ўрду)да бошлаб, Кашкарда ёзиб тугатган ва корахоний хукмдор Тавгоч Бугрохонга такдим этган. «Китобда номи тилга олинган хокон Носириддин Тавгоч улуг Бугро Корахон Абу Али Хасан Хорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075- 1103 йиллар давомида корахонийлар давлатини бошқарган. «Кутадгу билиг» асари уига багишланган пайтда у Кашкарда Арслонтегин Тўгрул Корахон Махмудхон (1059—1075)нинг ўртоқ-коғони сифатида хукм сурарди»(Имомназаров М. Юсуф Хос Хожиб // Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб. 62-бет.). Китоб Бугрохонга ниҳоятда маъкул бўлади ва муаллифни тақдирлаб, унга Хос Хожиб (Эшик огаси) мансабини беради. Шундан кейин шоир Юсуф Хос Хожиб номи билан машхур бўлиб кетади. Лекин дostonнинг охиридаги шикоят оханглари шоир умрининг сўнгги йиллари бу давлатнинг таназзули даврига тўғри келганлиги, шунга мувофиқ хаёти ҳам огир кечганлигидан гувоҳлик беради. Чунончи:

Изим, мунгқа теғдим, вафасиз тушуттим,
Вафалиг ким эрки, севуг жан берайи.
Ати калди — янглук киши килки барди,
Бу килк канча барди — узу ман барайи.
Багирсак киши йок ажунда — тиладим,
Багирсизка кўнглум некутег улайи.
Кими ўзка кўзтек якин туттум эрса,
Еги(й) чикти — йектег йекиг не килайи?

Мазмуни:

(Эй) Эгам, мунгга гирифтор бўлдим, вафосиз(лар)га дуч келдим,

Вафоли ким экан — севикли жонни багишлайин.
Одамнинг оти колди, кишиларнинг (яхши) феъли кетди,
Бу феъл каерга кетди — кетидан мен хам борайин.
Дунёда меҳрибон одам йўк, (анчайин) кидирдим,
Меҳрсиз (лар)га кўнглимни кандай килиб боғлайин.
Кимни ўзимга кўздек якин тутган бўлсам,
Шайтондек душман бўлиб чикди, шайтонни нима килайин?

«Кутадгу билиг» — бахт ва саодатга элтувчи билим деган маънони билдиради. «Ўқувчи кўлидан кўймасин, унга бахт келтирсин, деб китоб номини «Кутадгу билиг» кўйдим», — дейди бу ҳақда муаллифнинг ўзи. «Ҳакикатан хам, агар хар ким ушбу китобда тилга олинган хислатларга, фазилатларга эга бўлса, ундаги панд-насихат, йўл-йўриқларга амал килиб иш кўрса, бахт-саодат унга ёр бўлади» (Каримов К. «Кутадгу билиг» асари хақида // Юсуф Хос Хожиб: Кутадгу билиг. Тошкент, 1971 йил, 8-бет.). Шунинг учун хам бу китоб ўз давридаёқ кенг тарқалиб, машҳур бўлган. Чин (Шимолий Хитой) ликлар уни «Адаб ул-мулук» («Хукмдорлар одоби»), мочин (Жанубий Хитой) ликлар «Ойин ул-мамлакат» («Хукмдорлик конун-қоидалари»), машрик (Шарқий Туркистон) ликлар «Зийнат ул-умаро» («Хукмдорлар зийнати»), эронликлар «Шохнома» и туркий («Туркий «Шохнома»), баъзилар «Пандномаи мулук» («Хукмдорлар пандномаси»), туронликлар эса «Кутадгу билиг» деб атаганлар. «Бу номларнинг барчаси хам китобнинг давлат идора ишларига ва ахлоқ-одоб масалаларига доир эканини кўрсатади» (Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976 йил, 113-бет.).

«Кутадгу билиг» исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараккиёт босқичига хам кўтаради. Чунки у нафакат туркий халқларнинг адабий анъаналари, бой маънавий мероси, балки қардош халқлар, биринчи навбатда, буюк форс-тожик адабиёти тажрибаларини хам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи дoston муқаддимасида:

Арабча, тожикча китоблар ўқуш,
Бизинг тилимизча бу йумги укуш, —

деган эди (Яъни: «Арабча ва тожикча китоблар кўп бўлиб, бизнинг тилимизда эса бу донишмандликка оид илк асардир»).

Махмуд Кошгарий каби туркий тилнинг мавқеи — унинг маданий-адабий ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун Юсуф Хос Хожиб «форс-тожик тилида ижод килиш анъанаси изидан бормади, балки катта журъат билан ўз она тилида йирик бадиий асар яратишга киришди ва уни муваффақият билан тугатди. У халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг тажриба ва анъаналаридан фойдаланди, халқ ижодининг макол ва хикматли сўз каби инжулари билан ўз асарини бойитди, форс-тожик тилидаги панд-номалардан илҳомланди ...».

«Кутадгу билиг» — XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илгор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одати ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида кенг маълумот берилган. Бирон-бир тоифа-табақа, бирон-бир касб-хунар, бирон-бир илм-фан, бирон-бир ҳаётий масала, бирон-бир воқеа-ҳодиса, бирон-бир анъана ва урф-одат, бирон-бир инсоний фазилат ва қусурлар муаллиф

назаридан четда колмайди — бу асарнинг комусий харак-теридан далолат беради. Чиндан хам, у ўз даврининг бадийи комуси(Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 135-бет.). Асарнинг кискача мазмуни шундай: Кунтугди (чиккан кун) деган одил подшоҳ бўлиб, унинг довруги узок-узокларга ёйилган эди. Ойтўлди (тўлган ой) деган донишманд киши унинг хизматига келади. Сухбати подшоҳга маъкул келиб, саройда хизмат кила бошлаган Ойтўлдининг мартабаси кундан-кунга ошиб, вазирлик даражасига эришади. Одил подшоҳ ва донишманд вазир узок йиллар мамлакатни адолат билан бошқарадилар, фукаро осойишталигини таъминлаб, фаровонликни оширадилар. Вазирнинг акл-идроки ва тадбиркорлиги подшоҳни мамнун килади. У вафот этгач, ўрнига ўгли Ўгдулмиш (аклга тўлган) вазир бўлади. Ўгдулмиш давлатни бошқариш салохияти ва донолик борасида отасидан хам омилкор чиқади. Аклли кишиларнинг давлатга катта фойда келтираётганини кўрган Кунтугди унинг кариндоши донишманд Ўзгурмишни (уйгонган) хам саройга таклиф килади. Лекин тарки дунё килиб, сохидлик йўлига кирган ва токка чикиб кетган Ўзгурмиш хукмдорнинг бу так-лифини икки марта хам рад этади. Учинчи марта энди Кунтугди уни хизматга эмас, балки ўзига панд-насихат килиш максадида чакиради. Шундан кейингина у хукмдор хузурига келиб кетади. Кунтугди, Ўгдулмиш ва Ўзгурмиш ўртасидаги сухбат, бахс-мунозара, савол-жавоблар оркали муаллиф ўзининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлокий карашларини илгари суради.

Юсуф Хос Хожиб «ўз даврининг етук файласу-фи, олими, фозили, давлат арбоби, фан ва маданият хомийси, хаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб, осмон жисмларининг сирларигача тушуниб етган баркамол киши»си(Каримов К.. «Кутадгу билиг» асари хакида. 25-бет.) сифатида инсоният жамиятининг таяниши керак бўлган маънавий устунларини топишга харакат килади. Уларнинг биринчиси — Адолат бўлиб, подшоҳ Кунтугди, иккинчиси — Давлат бўлиб, вазир Ойтўлди, учинчиси — Акл бўлиб, вазирнинг ўгли Ўгдулмиш, тўртинчиси — Каноат бўлиб, унинг кариндоши Ўзгурмиш тимсолида тасвирланади.

Шоирнинг хукмдори куёшга ўхшатиши бежиз эмас куёш барчага баравар нур сочгани каби, хукмдор хам мамлакатни адолат билан бошқариши, турли тоифага бир хилда адолат кўрсатиши керак. Хукмдор Адолатли бўлса, Давлат тараккий этиб, ойдаи тўлишади, яшнаиди. Бунга эришиш учун Акл билан иш кўриш керак. Чунки Аклининг ёрдамисиз бунга эришиб бўлмайди. Акл билан идора килинаётган бундай Адолатли Давлатни барқарор саклаб қолиш учун Каноат зарур бўлади, аксинча барча нарса издан чикиб кетиши мумкин. Чунки хом сут ичган банда йиллар давомида минг бир машаккат билан эришганларини каноатсизлиги туфайли бир лахзада бой бериши хеч гап эмас. Эришилган муваффакиятлар, кўлга кирган катта имкониятлар, молу дунёнинг беҳисоблиги кўпинча кишида гурур уйготадики, бу охир-окибат кибру манманликка олиб келади. Кибру манманлик эса кишини халокатга етаклайди. Мўйсафид тарих бундай ходисаларнинг кўпига гувоҳ: одилликлари билан донг таратган кўплаб хукмдорларнинг кейинчалик манманликка берилиб кетганликлари сабабли гуллаб-яшнаган мамлакатлар инкирозга юз тутган. Чунончи, Каноат (Ўзгурмиш) — Давлат (Ойтўлди) ва Акл (Ўгдулмиш)нинг кариндоши бўлгани холда, Давлат (Ойтўлди) уни мутлако унутиб юборади — бирор марта эсламайди хам. Каноат (Ўзгурмиш) хакида Адолат (Кунтугди)га Акл (Ўгдулмиш) хабар беради. Шундан кейингина Адолат (Кунтугди) Каноат (Ўзгурмиш)ни истаб қолади ва Акл (Ўгдулмиш) оркали уни ўз хузурига даъват килади. Лекин сарой Каноат (Ўзгурмиш)нинг жойи бўлмагани учун у келишни истамайди ва Адолат (Кунтугди)га панд-насихат килиш учунгина Акл (Ўгдулмиш)нинг учинчи

ташрифидан сўнг саройга келиб кетади. Бу оркали шоир Давлат Каноатни билмайди, У Адолат учун Аклгагина керак деган хулоса чиқаради.

Давлат — ўткинчи, шунинг учун у ўлади ва унинг ўрнини Акл эгаллайди. Акл Давлатдан ҳам омилкор чиқиб, мамлакат икки хисса гуллаб-яшнади. Каноатни эса одам боласининг тийиксиз нафсу хохишлари гўрга тикади - у дардга чалиниб вафот этади. Дунёда Адолат ва Акл пойдор бўлиб қолади(Бу ҳақда яна қаранг: Имомназаров М. Юсуф Хос Хожиб. 64 —65-бетлар.). Кўриниб турганидек, асарнинг мажозий катлами — ботиний мазмуни кенг ва теран бўлиб, у келгусида бу борада жиддий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Шу тарика улуг донишманд, Фитрат таъбири билан айтганда: «Мана шул тўрт мажозий кишиларни... бир-бирига кўруштириб, сўйлаштиради. Айтмак истагани сўзларни, бермак истагани насихатларни шуларнинг тилидан айтиб эшиттиради»(Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд (Илмий асарлар). Тошкент, 2000 йил, 12-бет.). Шунга мувофиқ, кўйилган масалалар воқеалар ривожини, қахрамонлар саргузашти оркали эмас, балки уларнинг ўзаро суҳбати, баҳс-мунозараси, савол-жавоблари, панд-насихат воситасида ҳал қилинади. Муаллиф подшоҳ ва амалдорлардан тортиб дехкону хунармандгача — жамият барча тоифаларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида фикр юритади. Айтайлик, подшоҳнинг давлат ва раият олдидаги бурчию халқнинг давлат ва подшоҳ олдидаги вазифалари, фармонлар ва уларнинг ижроси, давлатни бошқариш, ҳукмдорлар ва амалдорлар ҳамда уларнинг ўз қўл остидагилар билан муомаласию муносабати ва бошқалар. «Хуллас, Юсуф Хос Хожиб ҳаётнинг оддий иқир-чиқирларидан тортиб юлдуз сирларигача, қохинларча даволаш усулининг сохталигидан тортиб кўрким, ўқит, чурни, шалисо, тарёқ ва Митридус хапи қаби дорилар, уларни қайси касалларга бериш нафли бўлишигача, қон босими ошишию қон олишгача, оддий бир киши билан гаплашишдан тортиб давлатни идора қилиш усулининг нозик сирларигача, туркий халқларнинг Алп Эр Тўнгаси аҷамликларда Афро-сиёб номи билан аталишигача, Фирдавсийнинг Фаридун, Захҳок қаби қахрамонларидан тортиб Чин ва Мочин олимларининг ашъору амсолларигача, Хинд ражларидан тортиб Рум қайсарларигачаю Асир зангиларигача, хуллас, ҳамма-ҳамма соҳалардан ҳабардор, билим доираси кенг, асарида тилга олинган барча ҳислат, фазилат, зақоват, равиш, атвор, йўриқ ва ҳоказо-ҳоказоларнинг барчасини мужассамлаштирган улуг сиймодир...»(Қаримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида. 35-бет.). Шунинг учун ҳам асарни тадқиқ этиб, нашрга тайёрлаган таниқли олим Қаюм Қаримов уни «акл ва ҳикмат дарслиғи» деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам, «Қутадғу билиг» ахлокий-таълимий асардир. Унинг ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган маҳсус бобларидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий ма-салаларга бағишланган бобларида ҳам Юсуф Хос Хожиб ўз ахлокий-таълимий қарашларини ифодалайди, халқнинг турли табақаларига ўғит беради, уларга панд-насихат қилади»(Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 126-бет.).

«Қутадғу билиг» қорахонийлар ҳокимиятининг ўзига ҳос назмий Низомномаси сифатида дунёга келган. Чунки бу рамзий-тимсолий асар оддий халқ учун эмас, биринчи навбатда, юрт эгалари бўлмиш ҳукмдорлар ва катта-кичик амалдорларга атаб ёзилган ва уларга мамлакатни адолат билан бошқариш, тинчликни сақлаш, раиятга зулм қилмаслик, билъақс халқнинг оғирини енгил қилиш, турмушини фаровон айлаш, жамиятнинг маънавий-ахлокий негизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга кенг эътибор бериш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ, бурч, адолат бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар берилган. Қорахонийлар сулоласи мисолида туркий давлатчилик асослари

янги боскичга кўтарилган даврда сиёсий-ижтимоий жихатдан замон кун тартибига кўйган масалаларни хал килишга ёрдам берадиган «Кутадгу билиг» сингари хукмдорлар адабномасига хаётий зарурат тугилган эди ва Юсуф Хос Хожиб даврнинг бу талабини муваффакият билан адо этди. У Кашкардан Амударёгача чўзилган, Шаркий Туркистоннинг бир кисми, Еттисув, Шош, Фаргона ва кадимги Сугдни ўз ичига олган корахонийлар давлат хокимиятини мустахкамлаш, тавгочхон ва элокхонлар (Тавючхон — Корахонийлар давлатида бош хон, элокхон — унинг вилоятлардаги ноиби. Элокхонлар марказий хокимиятга бўйсунилган бош тортиб, сиёсий мустакилликка интилар, хатто ўз номларидан пул ҳам зарб килар эди.) ўртасидаги ихлофларни бартараф этиш, хукмрон доираларнинг турли ижтимоий табакаларга муносабатини белгилаш, маърифат ва обо-дончилик учун кураш, яхши хулк-одобни тарғиб килиш каби максадларни ўз олдига кўйган. Бу билан Юсуф Хос Хожиб ўз даврининг йирик маърифатпарвари ва донишманди сифатида намоён бўлади.

«Кутадгу билиг» асосан 6520 байтдан иборат бўлиб, 85 бобга бўлинган. Бундан ташқари, дostonга 104 байтдан иборат уч боб илова килинган. Бинобарин, иловаси билан бирга, у 6644 байтдан иборат. Бизгача асарнинг муаллифнинг сўнги тахриридан ўтган ва Таврох Бугрохонга такдим этилган нусхасидан кўчирилган намунаси етиб келган бўлиб, у насрий (38 сатр) ва шеърий (77 байт) мукаддима, кириш боблар (390 байт), асосий кисм (68 боб, 5896 байт, хотима (2 касида ва маснавий боб)ни ўз ичига олади.

«Кутадгу билиг»нинг дастлабки 11 боби анъанавий кириш боблар (Оллох таоло хамди, Мухаммад алайхиссалом наъти, хак йўлдан борган тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али мадхи, бахор васфи, Бугрохон таърифи, етти юлдуз ва ўн икки бурж баёни, билим ва заковатни улуглаш, тилнинг фазилатлари, муаллифнинг узри ва бошқалар)дан иборат. Ўн иккинчи бобдан асосий мавзуга ўтилади. Хар бир бобга алохида сарлавха кўйилиб, у маълум бир масала талкинига багишланади ва якунида «энди шоир сўзини эшит», «доно фикрини тингла», «билимли каломини кўр», «шунга ўхшаш мана бу байтни ўкиб кўр» каби мурожаатлар оркали панд-насихат мазмунидаги бир тўртлик келтирилади. «Кутадгу билиг»нинг К.Каримов нашридан тушиб колган 109 байтли матндаги 5 тўртликни хам кўшсак, асарда жами 210 та шундай тўртлик мавжуд. Масалан, Ойтўлдиннинг ўгли Ўгдулмишга панд-ўғит бериши бобида куйидаги хитоб байт ва хулоса тўртлик келтирилади:

Неку тер, эшитгил, синамиш киши, Синамиш кишилар билир иш баши:

Бўр ичма, зинака ягума хазар,
Бу эки чигайлик тўнини кедар.
Бу бўрдин кўпар минг язукка юрак,
Зинадин кочар кут, юзунгга судар.

Мазмуни:

Синаган киши нима дейди эшитгин,
Синаган кишилар ишнинг бошини (кўзини) билади.
Ичимлик ичма, зинхор зинога якинлашма, хазар кил,
Бу икки нарса гадолик тўнини кийгазади.

Ичимликдан юрак (ботирлашиб) минг-минг гунохларга кўзголади, Зинодан кут кочади,
юзингга тупуради.

Шундан сўнг янги сарлавха билан бошка боб баёнига ўтилади — асар бошдан-охир шу тартибда ёзилган.

Асарнинг тўртликлардан ташкари қисми маснавий шаклида (71, 72, 73-боблар бундан мустасно) ёзилган. Сўнгги уч боб (йигитликка ачиниш ва қариллик; замона бевафолиги ва дўстлар жафоси; Юсуфнинг ўз узрини айтиши ва ўзига насиҳат қилиши) эса қасидадан иборат. Шарқда йирик эпик асарлар учун қабул қилинган ва «жанговар услуб» номи билан машҳур бўлган мутақориб баҳрида (қисман мутақориби мусаммани солим, асосан мутақориби мусаммани максур ва махзуф вазнларида) яратилган. «Бу эски турк шоири турклар учун жуда қийин бўлган бир вазнда жуда муваффақ бўлуб ёзган... — дейди бу ҳақда Фитрат. — Вазн жуда тузук чиққан, баъзи жойларидан «Шохнома» охангининг хиди келади» (Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. 12-бет.).

Маълумки, халқ оғзаки ижоди деб аталган буюк чашмадан баҳраманд бўлмаган ижодкор топилмайди. Бадиий ижоднинг табиати асли-азал халқдан олиб, яна халққа беришдан иборат эканлиги сир эмас. Юсуф Хос Хожиб ҳам халқ оғзаки ижодини чуқур билган ва ўз асарида мақол-маталлар, образли иборалардан маҳорат билан фойдаланган. У «туркча масал», «турклар сўзи» деб уларнинг кўпини таъкидлаб ўтади. Чунончи:

Мунгар менгзату айди туркча масал,
Эшитгил муни сан, ўқуб ўзка ал:
«Ўрунг сут била кирса эзгу қилик,
Ўлум тутмагинча эвурмас йўрик».

Мазмуни:

«Шунга ўхшаш бир туркча масал айтди
— сен уни эшит ва яхшилаб ўқиб ол: «Пок сут билан қирган яхши феъл ўлгунча
айнимайди».

Ёки:

Яма яқши аймиш бу турк буйруқи,
Кўрур кўз яруқи ўгул-қиз, ўқи.

Мазмуни:

Жуда яқши айтибди турк буйруги:
Ўгил-қиз кўрар кўзнидир ёруги.

Мутафаккир шоир ҳикматлари катта ҳаётий тажриба ва қомусий билим маҳсули эканлиги, ҳаётий негизи мустаҳкамлиги, қундалиқ турмуш ва аτροφдаги нарсалар билан боғлаб тушунтирилганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, услубан раван, бадиий юксак-лиги, тилининг соддалиги, тимсолу ташбеҳларининг табиийлиги, фикр-хулосаларининг самимийлиги, ҳассос ва таъсирчанлиги билан асрларни бўйлаб келди ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, таъсир қучини йўқотган эмас. Шоирнинг у ёки бу масала бўйича панд-насихатлари ҳудди ҳикматдай жаранглайди, халқ мақолларига ўхшаб кетади — уларнинг бадиий барқамоллиги ва маърифий аҳамияти ҳам шунда. Чунончи, у инсоний қамолот, ҳусусан, илм-маърифат масалаларига катта эътибор қаратади. Унинг фикрича:

Киши эки турлуг киши атанур:
Бири — ўгритигли, бири — ўгранур.
Экида нару борча йилки сони,
Тиласа муни тут, тиласа они.

Мазмуни: «Икки хил киши инсон аталишга лойик: бири ўргатувчи, бири — ўрганувчи.
Бошкаларнинг хай-вондап фарки йўк. Хохласанг — униси бўл, хохласанг — буниси».

Укуш кайда бўлса, улуглук бўлур,
Билиг кимда бўлса, бедуглук алур.
Мазмуни: «Заковат бор жойда улуглик бўлади,
кимнинг билими бўлса, буюкликка эришади».
Ачиг сувтаг ул кўр бу дуня моли,
Нача ичса конмаз, ўлимаз тили.

Мазмуни: «Бу дунё неъматлари шўр сувга ўхшайди:
киши ундан хар канча ичса хам конмайди».
Жигой килса кимни кўзи суклуки,
Боютмас они бу ажун тўклуки.

Мазмуни: «Кўз очлиги кимни кашшок килган бўлса, дунё бойлиги уи бой килолмайди».
«Кутадгу билиг»нинг 3 кўлёма нусхаси фанга маълум: Хирот (Вена), Кохира ва Наманган. Асарнинг илк нашри 1870 йилда венгер шаркшуноси Х. Вамбери томонидан амалга оширилган. Шундан кейин В.В. Радлов (1890; 1910), С.Е. Малов (1929; 1951), Р.Р. Арат (1942; 1943; 1947; 1959), К. Каримов (1971), Б. Тўхлиев (1989), уйгур олимлари (1984) уни нашр этдилар. Лекин «достоннинг учала нусхаси хам мукамал эмас: Хирот (Вена) ва Кохира нусхаларида кўп байтлар тушиб колган, Наманган нусхасида эса, назмий мукаддима йўк, байтларнинг ўрни алмашган. Асарнинг айрим байтларини Р.Р. Арат Анкара Маориф вазирлиги кутубхонасидан, айримларини казилмаларда топилган сопол кўзачаларига ёзилган байтлардан олиб, матнни тўлдирган (Абдурахмонов Г. «Кутадгу билиг» танкидий матнини тайёрлаш муаммолари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006 йил, 4-сон, 42-бет.). Чунончи, «XIX асрда Волга дарёси киргогида жойлашган Саройчук деган шаҳарга якин бир жойдан оддийгина сопол кўзача топилди. Аммо бу оддий кўзача олимлар эътиборини тортди, чунки унда «Кутадгу билиг» достонидан олинган мисралар битилган эди» (Бу ҳақда қаранг: Тўхлиев Б. Сўзбоши // Юсуф Хос Хожиб. «Кутадгу билиг». Тошкент, 1990 йил, 6-бет.). Асар инглиз, немис, француз, рус, чех, турк, уйгур, хитой ва бошка кўплаб тилларга таржима килинган. Захматқаш олим Каюм Каримов «Кутадгу билиг»нинг нисбатан тўлиқ ҳисобланган Наманган нусхасини асос қилиб олган ҳолда, ундаги етишмаган жойларни Хирот (Вена) ва Кохира нусхалари асосида тўлдириб, асарнинг транскрипцияси ва ҳозирги ўзбек тилига тавсифини амалга оширган. Айни пайтда, у Юсуф Хос Хожиб ва унинг «Кутадгу билиг» асари тадқиқига бағишлапган мақолаларида баъзи парчаларнинг шеърий таржимасини хам келтиради. Бундан ташқари, таникли адабиётшунос Бокижон Тўхлиев асарнинг насрий баён ва шеърий таржима аралаш болаларбоп кискартирилган нусхасини нашр эттирди. Шоир Саъдулла Ахмад эса асарнинг айрим қисмларини шеърий таржима қилган.

Эргаш Очиловнинг
"Бархаёт сиймолар" китобидан